



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 24 март, чоршанба № 35 (682)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

О.О.Шарафиддиновни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбек маданиятини юксалтиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширишдаги фаол иштироки, фидоилиги, янгича тафаккурни шакллантириш ҳамда халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш йўлидаги самарали хизматлари учун «Жаҳон адабиёти» журналининг Бош муҳаррири Озод Обидович Шарафиддинов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 22 март.

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзлигимизни англаш тимсоли

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Оила мустаҳкамлигию тўкин-сочинлиги, ундаги аъзолар ва айниқса аёлларнинг бахту саодати, эркинлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилгани катта бахт. Баҳорий байрам- Наврўзи оламнинг ташири эса юртимизда янги оилалар, тўйлар, тантаналар учун эшик очади. Еш келин-куёвларнинг аҳд-паймонлари, сирли орзулари ҳам гўё баҳорий айём билан бошланадигандай.

Пойтахтимиздаги энг нурафшон масканлардан бўлмиш «Наврўз» Бахт уйи айнан баҳорий илқлик кунларида янада чирой очади, бахтли ёшлар ташири билан гавжумлашади. Ҳар йили Бахт уйимиз остонасини 4,5-5 минг келин-куёвлар босиб ўтар эканлар, уларнинг никоҳларини тантанали нишонлаш, ёшлар дидига мос ва миллий удумларимизга хос тарзда тадбирлар ўтказишга ҳаракат қилиб келаётимиз. Иккита кенг ва ёруғ залимиз, кафе-бар ишлаб турибди. Диний одатимизга кўра ёшларни никоҳдан ўтказиш учун шу ернинг ўзидики икки нафар домлаимиз хизмат қилиб туришибди. Бу вақтни тежаш, ортиқча чиқимларга барҳам бериш имконини бераётми.

Ёшларнинг мустақил ҳаётга қўяётган қадами улар учун янги истиқболлар уфқини очиши шубҳасиз. Катта ҳаёт бўсағасида турган келин-куёвларни кутлар эканмиз, оила қуриш орқасида вужудга келадиган уларнинг ҳуқуқ-мажбуриятлари, ота-она ва бўлғуси фарзандлари олдидики масъулиятларини алоҳида таъкидлаб борамиз. Яқинда қабул қилинган Оила кодексимиз аёллар ҳуқуқини ошириш билан бирга, оила мустаҳкамлиги, фарзандлар камолотини таъминловчи ҳуқуқий ҳужжат эканлиги билан қадрлидир.

Ўзбекистон ёшлари бахтли бўлишсин.

Зумрад АКРОМХҶАЕВА, «Наврўз» тантанали никоҳ уйи директори.



Озод Ватанимизга, мусаффо осмонимизга, Наврўзимизга, динимиз ва эътиқодимизга, фарзандларимиз бахтига чанг солмоқчи бўлганлар, бугунги ҳаётимизни, истиқболи очилиб бораётган эртанги кунимизни кўролмайдиганлар билсин: халқимизни бу улуг ва муқаддас йўлдан асло қайтариб бўлмайди!

Ислон КАРИМОВ.

«МУНИС ОНА» ҲАЙКАЛИ

Усмон Юсупов тумани «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси Азамат Жумаев туманда ажойиб ташаббус бошлади. Республикамикан Президентининг Ислон Каримовнинг 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилганликларидан барча қатори Усмон Юсуповликларини ҳам руҳлантириб юборганди. Туман марказидаги боғда илгари барпо этилган Ватан уруши қатнашчиларига аталган ёдгорлик ўрнида янги «Мунис она» ҳайкали яратилмоқда.

БУЮК МУНАЖ-ЖИМГА ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда тарихий меросни асраб-авайлаш, ўзининг беқиёс салоҳияти билан жаҳон илм-фани ва маданиятини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизга юксак эҳтиром кўрсатиш барчамизни мамнун этмоқда. Буюк мунажжим Мирзо Улуғбек ана шундай эъзозга лойиқ буюк зотлардан бири эди. Улуғбекнинг давлатчилигимизни ривожлантириш бора-борадаги хизматлари ҳам таҳсинга сазовордир. Ул зот Моворуннахрни обод ўлкага, пойтахт Самарқандни «сайқали рўйи замин» шаҳрига айлантиришга катта ҳисса қўшди. Шу боис миннатдор авлодлар беназир олим ва давлат арбоби даҳосига чексиз ҳурмат баҳо келтиради. Маросимда вилоят ҳокими Э.Рўзиев қатнашди.

«Ишонч» ва ҲАМ муҳбирлари

Кун кеча Тошкент вилоят санъат усталари ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари тайёрлаган «Пой- қадамингдан ўргилай, Наврўз» деб номланган театрлаштирилган адабий- бадиий композиция байрам қатнашчиларига намоиш этилди.

ҚАДАМИНГДАН ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

«Пой- қадамингдан ўргилай, Наврўз» деб номланган театрлаштирилган адабий- бадиий композиция байрам қатнашчиларига намоиш этилди. Элимизнинг таъкили санъаткорлари Фуломжон Ёқубов, Обид Асомов, Илхом Фармонов, Анвар Фаниевларнинг байрамимизда иштирок этишлари йиғилганлар қувончига-қувонч қўшди. Қодир ҚАЮМОВ

АСП МИЛЛИЙ БАЙРАМ ШУКУҲИ

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги Турор Рискүлов номи 290-мактаб республикамиздаги зий ё масканларидан кўп миллатлилиги ва ўқув тизимининг бир неча тилда олиб борилиши билан ажралиб туради. Йигирма уч миллатга мансуб 1300 ўқувчига 90 га яқин ўқитувчилар малакали билим бермоқда. Мазкур мактаб бир

вақтнинг ўзидики медицина, фармакология ва корейс тилини чуқур ўрганишга ихтисослашган бўлиб таълим ўзбек, рус, қозок ҳамда корейс тилларида олиб борилади. Жамоа Наврўз байрамини катта шодоналар билан ўтказди. Анжуманга «Мактаб-маҳалла-оила» дастурини оғимшай амалга ошираётган фидойи инсонлар, маҳалла фаолла-

ри, ибратли оила вакиллари ва элу юрт эъзозидики қариялар тақлиф қилинди. Йиғилганларни Корейнинг Ўзбекистондаги таълим маркази директори Дю Тхе Чоль, «Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари Насиба Усмонова, туман халқ таълими бўлимининг масъул ходими Сангин Сафаров ва бошқалар меҳр-оқибат,

меҳнат байрами Наврўзи олам билан самимий кутладилар. Кечага ташир буюрган шоирлар, жумладан, «Маърифат» газетасининг бўлим мудири Алишер Назар, «Ёш куч» журналининг муҳбири Шарифа Мадраҳимова-лар ўқиган шеърлар анжуманга ўзгача файз бағишлади. Темир КҶРБОН.

Жизза туманининг машҳур «Раваллик» маҳалласидики хотин-қизларнинг «Аёллар йили» муносабати билан ўтказилган анжуман катта байрам шодонасига айланиб кетди. Тансиқ таомлар, сумалак, кўкатлардан тайёр-

Э Ў З О З

ланган турли пишириқлар байрам дастурхонини беади. Ўзбекона урф-одатлардан келин салом, алла, лапар, қўшиқ ҳамда жозибали рақслар кечага файз киритди. Мактаб ўқувчилари эса «Аёл хонадон чироғи» мавзусидики шеър ва ғазаллари билан онахонлар ва опа-сингилларни хушнуд этишди.

Истиқлол берган имкон

НУКУСПИКЛАР АМЕРИКА БИЛАН БОҒЛАНИШДИ

Яқинда мамлакатимизнинг энг шимолий минтақаси Оролбўйининг йирик шаҳри - Нукусда электрон алоқа станциялари ишга тушиб, фуқаролар дунёнинг хоҳлаган бурчаги билан алоқа боғлаш имкониятига эга бўлдилар. Бу - «Уздунробита» қўшма корхонаси ва Япония давлатининг амалий ҳамкорлиги туфайли амалга оширилди. Бунинг учун икки ярим миллиард сўм маблағ сарфланиб, Бухоро-Тўрткўл-Нукус ораллигида шиша кабелли линия тортилди.

Кўп ўтмай Тахياتош, Беруний, Ҳўжайли шаҳарларида ҳам электрон телефон станциялари ишга туширилиб, меҳнатқашларнинг узоғи яқин бўлди. Улар нафақат мамлакатимиз, балки хорижлик таниш-билишлари билан дийдорлашсининг «эмомонавий» усулига қўл уридилар.

ни мантазам йўлга қўйишди. - Маълумки, шишали кабелли линияларини ётқизиш ўта мураккаб жараён. Бунинг амалга ошириш учун малакали мутахассислар талаб этилиши табиийдир. Бу борада нималарга эътибор берилди?

- Дарҳақиқат, шиша кабелли линияларини ётқизиш ўзига хос муаммоларга эга бўлган ўта мураккаб иш, тажриба ва юксак маҳоратни талаб қилади. Шунинг учун ҳам шу ишнинг амалга оширилишида фаол иштирок этувчи ходимларга Япония пойтахти Токио шаҳрида малакаларини ошириб қайтишлари учун шароитлар яратиб бердик. Ҳозир улардан Норхон Одамбоев, Ғайрат Нажимов, Мурод Сейидов, Эркабой Каримов, Арслон Садилов, Виктор Селевестев каби ўнлаб мутахассисларимиз ўзларининг билим ва тажрибаларини амалда моҳирлик билан қўллашатира.

- Ҳузобой Таженович, маълумки, юқоридики тилга олганингиз катта кўламдаги ишларни бажариш катта ҳажмдаги маблағларни талаб этади. Бу борада юз берган муаммолар қандай ҳал этилди?

- Биз кўпгина асбоб-ускуналарни хориждан, асосан Япониядан келтирдик. Улар учун 17 миллион 200

минг АҚШ доллари микдоридики маблағ сарфланди. Шу кеча-кундузда янги станциялар қуриш, шиша кабелли линиялар ётқизиш учун эса 198 миллион сўм харж қилдик. Бу харажатлар Япониядан олинган кредит ҳисобига сарфланапти. Қарз эса ўн йилдан кейин узилма бошланади.

- Яна бир савол, мураккаб шароитларда меҳнат қилаётганларга яшаш ва ишлаш шароитларини яратиб беришда тармоқ касабаси уюшмаларининг ўрни қандай бўлмоқда?

- Чиндан ҳам йиғитларимиз жуда мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароитларида иш олиб боришади. Кўп ҳолларда тоғларда, Қизилқум ва дашт қўйнида қолиб кетишга тўри келади. Ана шундай қийин шароитларда ишлаётганларга Норхон Раимова раҳбарлигидаги тармоқ касабаси уюшмалари кўмитаси яқиндан ёрдам бермоқда. Касабаси уюшмалари фаоллари тез-тез алоқа линиялари тортаётганлар хол-аҳолидан боҳабар бўлишади. Зарур пайтларда моддий ёрдамлар берилади. Алоқачиларимиз мунтазам равишда иссиқ овқат, махсус кийим-бошлар билан таъминланган.

Хуллас, Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро яқин пайтларда: «Алло, бу Вашингтонми, менга жаноб фалончи керак эди», деб телефон қилиши оддий ҳолга айланиб қолади.

Сухбатдош: Абду РАҲМОН, «Ишонч» муҳбири.

Кучлилар беллашади

Миллий кураш бўйича Бухоро вилояти чемпионати бўлиб ўтди. Унда уч вази тоифасига мансуб 30 нафардан зиёд полвон қатнашди. 73 килограммгача вазнда энг кўп - 16 курашчи гиламга чиқди. Финалда Х.Насуллоев /Бухоро шаҳри/ вилоят чемпиони бўлди. 90 килограммгача вазни полвонлар баҳсида ро-

митонлик ёш курашчи М.Маҳмудовнинг кўли баланд келди. Қорақўлиқ О.Остонов иккинчи ўринни эгаллади. Вилоятнинг янги чемпионлари ва совриндорларидан иборат терма команда Термизда апрель ойи бошларида Ат-Термизий соврини учун ўтказиладиган халқаро муносабатларида қатнашади.

«ИШОНЧ» ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетамизнинг шу йил 23 феврал сонидики «Транспорт хизматидан мамнунмисиз?» сарлавҳа остида босилган мақолада Тошкент шаҳри транспортни - трамвай, троллейбус ва автобуслар, уларнинг ҳайдовчи ва кондукторлари айрим ҳолларда йўловчилар талаблари даражасида ишламаётгани аниқ далиллар асосида танқид қилинган ҳамда мазкур соҳада хизмат кўрсатишни янада яхшилаш юзасида баъзи мулоҳазалар билдирилган эди. Кеча газета мақоласига «Тошшаҳар йўловчи транса» Давлат уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари Р.Усмонов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда жумладан, қуйидагилар маълум қилинади:

Мақола уюшма тизимидаги барча корхоналар ҳайдовчи ва кондукторлари иштирок этган умумий йиғилишларда муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида мақолада таъкидланганидек, шаҳар йўловчи ташиш транспортда эришилган ютуқлар билан бирга мавжуд камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Автобус, трамвай, троллейбус ҳайдовчилари ва кондукторларининг йўловчиларга

мақола уюшма тизимидаги барча корхоналар ҳайдовчи ва кондукторлари иштирок этган умумий йиғилишларда муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида мақолада таъкидланганидек, шаҳар йўловчи ташиш транспортда эришилган ютуқлар билан бирга мавжуд камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Автобус, трамвай, троллейбус ҳайдовчилари ва кондукторларининг йўловчиларга

жадвали тузилди. Йўналиш хўжжатлари таҳлил этилиб, қоғдабузарликка йўл қўйганларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Масалан, 1339, 1386 номерли троллейбус кондукторлари З.Мирзаев, А.Фуломов, 1381 номерли троллейбус ҳайдовчиси Р.Токсановларга ўртача ойлик

маошларининг 10 фоизи микдоридики жарима солинди. 10-АФ-405 рақамли автобус ҳайдовчиси М.Мирқурбанов ўртача ойлик маошининг 40 фоизи микдоридики жаримага тортилди. 02-24-ТНИ, 00-29-ТНИ рақамли автобуслар кондуктор-

лари М.Йўлдошева, Н.Федоровалар эса ўртача ойлик маошларининг 20 фоизи микдоридики жарима тўлайдиган бўлдилар. 1393 номерли троллейбус кондуктори Қодиров билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Бош ва оралиқ бекатларда ҳар бир йўналишнинг ишни бошлаш, тугаллаш ва оралиқ вақт тўғрисида хабардор қилувчи лавҳаларни янгилашга киришилди. Йўналишларда ҳайдовчи ва кондукторлар фаолиятини назорат қилиш вазифаси автобус саройлари, трамвай ва троллейбус деполари раҳбарларининг тасарруф бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилди.

Демократик ҳуқуқий давлат сари

Асосий Комиссияда инсонни улуғлаш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш қатъий белгилаб қўйилган. Шунинг учун ҳам судлар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Ўтсангиз. — АҚШда суд тизими ниҳоятда мураккаб тузилган. Федерал судлар, Олий судлар, округ судлари, Магистрат ва Муниципал судлар, Апелляция судлари ва бошқа судлар мавжуд бўлиб, уларга судьяларни сайлаш ва тайинлаш муддатлари ҳам турлича.

ган давлатлар қаторидан ўрин олади. — Табиат аёлларимизга буюк қодирликни, яъни оналик бахтини ато этган. Унинг бахти ҳам, тахти ҳам ана шу билан ўлчанса керак.

СУД ТИЗИМИНИНГ ОБРЎСИ



Яқинда бир гуруҳ судьяларимиз Америка Қўшма Штатларида бўлиб, бой тажриба орттириб қайтишди. Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси Махшуро Сафавога мазкур сафар юзасидан бир қанча саволлар билан мувожаз қилдик.

тезлик билан бораёямиз, деб айта оламиз. Чунки бунинг учун мамлакатимизда барча имкониятлар яратилган, қолаверса, етарлича қонуний замин ҳам мавжуд.

олдига қўйган муҳим вазифаларидан бири — суд амалиёти довомида иш кўриш самарасини ошириш, ҳолисона иш кўриш орқали одил судловни тақомиллаштириш ва жамиятнинг суд тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

шига қарамасдан, болаларимга эътиборли бўлишга ҳаракат қиламан. Фарзандлар тарбиясига келсак, она учун кўп вақт керак эмас, балки қисқа вақт довомида ҳам, уларга тегишли бўлган меҳр-оқибат ва ўзаро она — бола ўртасидаги масъулият ҳисларини чуқур синдира олиши мумкин.

Сўхбатдош: Д. АЛЛАКУЛОВА

«МАЪНАВИЯТ» АКАДЕМИЯСИДА

Сурхондарё вилоят касабга уюшмалари кенгаши ташаббуси билан вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида касабга уюшмалари фаолларининг ўқув семинари уюштирилди.

Р. ДАВЛАТОВ.



Шахрихон тераклари

МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ

Ишлаб чиқаришда хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш жамоа раҳбарияти, айнаника жойлардаги касабга уюшма кўмиталари олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Чунки бу иш жойига қўйилмас экан, меҳнат самарали бўлмайди.

лигида ҳам трактор тўнтариллиши натижасида ишчи ҳалок бўлган. Электрдан фойдаланиш қоидаларининг қўпол равишда бузиллиши оқибатида Зангиота тумани «Доз-Тур» қўшма корхонаси ҳамда Янгийўл консерва заводидида кўнгилсиз воқеа содир бўлди.

куси хонаси ажратилмаган, бўлимларда профилактика ишлари олиб борилмади. «Тошкентвино» комбинатида, Самарқанддаги «Зарафшон-Калифорния» жўшама корхонасида, «Хўжабод» ширкатлар уюшмасида, Булунгурдаги М.Улуғбек номили шараб ишлаб чиқариш хиссадорлик жамиятида, Олтинсой тумани «Олтинсой» жўшама хўжалигида ҳам хавфсизлик техникаси хонаси умуман йўқ.

ноат-Холдинг» компанияси корхонаси ва хўжаликларида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида Низоом қўпол равишда бузилмоқда. Бахтсиз ҳодисалар беркитилмоқда. 1997 йилнинг 13 ноябрида «Янги Тошкент-консерва» хиссадорлик жамиятида икки киши ҳалок бўлган ва уч киши оғир тан жароҳати олган бўлсада, уни яширишга уришилган. Улган ва оғир тан жароҳатини олган шахсларга акт тузилмаган ва йил якуни ҳисоботида кўрсатилмаган.

ИНСОН АЗИЗ

Таъкидланганидек, қатор жойларда меҳнатни муҳофаза қилиш хонаси талаб даражасида жиҳозланган бўлиб, ишчиларни ўқитиш ва бошқа ишлар олиб борилади. Масалан, Тараққон туманидаги «Ширинлик» хиссадорлик жамиятида санитария-маиший хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган.

фоиш қўйган. Бундай ҳолат юзга келишининг асосий сабаби хўжалик раҳбарлари ва бош мухтаassisларнинг хавфсиз меҳнат шaroитини яратиб беришда масъулиятни чуқур ҳис қиллолмаётганиликларидир.

лариди ҳали кўп ишлар қўлда баҳарилмоқда. «Андижон-консерва» корхонасида аёллар ишла бандкаларини омордан тележада ташиб келиб, қўлда ювишмоқда. Улар махсус кийим ва резина кўп билан таъминланмаган. Баъзи бир корхона ва хўжаликларда айрим иш турлари ва касбалар бўйича хавфсизлик техникаси инструкциялари ишлаб чиқилмаган.

Мана бунга нима дейсиз. Олтинсой тумани Бобур номили жамоа хўжалигида тракторчи Б.Бойқучқоров «Алтай» тракторининг аккумулятори бўлмаганлиги учун бошқа техника ёрдамида юргизмоқчи бўлганда техника орасида қисилиб қолади ва ҳалок бўлади. Бу бахтсиз ҳодиса ҳам махсус текширувдан беркитилади. Шикоят хати келгандан сўнг махсус текширув ўтказилади. Ҳалок бўлган шахсининг оиласига ҳар хил бахоналар билан ҳозирги қўнғача қонунда кўрсатилган нафақа тўланмаган.

Касабга уюшмалари ҳамкорлиги: Ўзбекистон-Туркия

«Туркметалл» касабга уюшмаси Бош қотиби, Металл санoати ишчилари Европа ва Осиё мамлакатлари касабга уюшмаси Федерацияси Бош қотиби Ҳасан Қорракўл бизни ҳашаматли бинода қабул қилди.

Унинг бу сўзларидан ажабландик. Сўқутини яна унинг ўзи бузди: — Менинг ота-боболарим асли Бухоро шарифидан. Бундан бир неча аср муқаддам бу ерларга келиб қолганмиз. Бухоро мен учун муқаддас шаҳар.

Бош қотиб собиқ иттифокнинг емирилиши билан 90-йиллар тарихга алоҳида саҳифа бўлиб қириши, бу воқелик дунё харитасига сиёсий, иқтисодий, географик катта ўзгаришларни олиб кирганини таъкидлади.

«Туркметалл» касабга уюшмалари аъзо бўлиб кириш истагини билдирган ишчи ариза ёзиб, беш нусхада кўпайтириди. Бир нусхадан Меҳнат вазирлигининг ҳудудий бўлимига, иш берувчига, касабга уюшма Марказий қўмитасига, корхона касабга уюшмасига топширилди.

«Туркметалл» касабга уюшмасига фақат ишчиларгина аъзо бўла олади. Корхона касабга уюшма қўмитаси деган ташкилот йўқ бу ерда. Сайловда жамоа фақат ишчилардан номзод кўрсатади.

Туркияда уйларни иситиш анча мураккаб. Газ, кўмир жуда кам ва қиммат. Шунинг учун жамоа шартномаларида кўмир пули учун маблағлар ажратиши эъқр этилади.

Жамоа шартномаларида ёзғи ва қиши махсус иш кийимлари билан таъминлаш алоҳида ўрин тутди. Корхонада санитария-гигиена меъёрига риоа қилиш масаласига ҳам жуда жиддий эътибор берилар экан.

Туркия касабга уюшма ҳаётининг яна бир қатор ўзига хос томонлари бор. Агар корхонада етти киши бирлаша касабга уюшма ташкилоти тузиш мумкин. Давлат муассасалари ходимлари қўнғача бинаон касабга уюшмага кириш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ишчи пенсияга чиқаётганда бир ойлик маоши микдоридида тоvon пули олади. Хотин-қизлар, 18 ёшгача бўлган ёшларнинг оғир ишларда ишлашларига йўл қўйилмайди. Ҳафтада 45 соатлик, яъни олти иш кунини белгиланган.

«Туркметалл»да кадрлар танлашда ҳам ўзига хос тажрибалар бор. Қўйдан касабга уюшма раҳбар лавозимларига кадр дунё бўшаганлар томонларидида қирича аслида бу рақам бироз паст. Чунки, айрим ишдан бўшаганлар томонларидида қирича аслида бу рақам бироз паст.

Туркияда касабга уюшма етакчилари ва фаоллари, ишлаб чиқариш жамоалари, кичик ва ўрта бизнеслар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Биз юртимизда ўз бераётган ислохотлар, туб ўзгаришлар ҳақида сўзлаб бердик. Қардошларимиз Президентимиз раҳ-

намолигида эришаётган муваффақиятларимиздан мамнун бўлдлар. Туркия касабга уюшма вакиллари билан бир неча бор суҳбатлар уюштирилди. Айнаника, жамоа шартномаларини тузиш ва унинг ижросини таъминлаш, яратилмаётган янги иқтисодий ҳимоялар, имтиёзлар юзасидида давра суҳбатлари ўтказдик, фикр-мулоҳазалар юритдик. «Туркметалл» бўйича корхоналар билан тузилган жамоа шартномаларида фарзанди олти ойга тўлган она ишга тушиб кетар экан. Биз эса онанинг кўзи ёригач болага қараш учун икки йил ҳақ тўланадиган таштил берилиши, она истаса яна бир йил ҳақ тўланмайдиган таштил олиши мумкинлигини ва бошқа шу каби иқтисодий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялар ҳақида сўзлаб бер-

ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТ

«Туркметалл» касабга уюшмалари аъзо бўлиб кириш истагини билдирган ишчи ариза ёзиб, беш нусхада кўпайтириди. Бир нусхадан Меҳнат вазирлигининг ҳудудий бўлимига, иш берувчига, касабга уюшма Марказий қўмитасига, корхона касабга уюшмасига топширилди.

«Туркметалл» касабга уюшмасига фақат ишчиларгина аъзо бўла олади. Корхона касабга уюшма қўмитаси деган ташкилот йўқ бу ерда. Сайловда жамоа фақат ишчилардан номзод кўрсатади.

Туркияда уйларни иситиш анча мураккаб. Газ, кўмир жуда кам ва қиммат. Шунинг учун жамоа шартномаларида кўмир пули учун маблағлар ажратиши эъқр этилади.


Жамоа шартномаларида ёзғи ва қиши махсус иш кийимлари билан таъминлаш алоҳида ўрин тутди. Корхонада санитария-гигиена меъёрига риоа қилиш масаласига ҳам жуда жиддий эътибор берилар экан.

Туркия касабга уюшма ҳаётининг яна бир қатор ўзига хос томонлари бор. Агар корхонада етти киши бирлаша касабга уюшма ташкилоти тузиш мумкин. Давлат муассасалари ходимлари қўнғача бинаон касабга уюшмага кириш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ишчи пенсияга чиқаётганда бир ойлик маоши микдоридида тоvon пули олади. Хотин-қизлар, 18 ёшгача бўлган ёшларнинг оғир ишларда ишлашларига йўл қўйилмайди. Ҳафтада 45 соатлик, яъни олти иш кунини белгиланган.

«Туркметалл»да кадрлар танлашда ҳам ўзига хос тажрибалар бор. Қўйдан касабга уюшма раҳбар лавозимларига кадр дунё бўшаганлар томонларидида қирича аслида бу рақам бироз паст.

Туркияда касабга уюшма етакчилари ва фаоллари, ишлаб чиқариш жамоалари, кичик ва ўрта бизнеслар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Биз юртимизда ўз бераётган ислохотлар, туб ўзгаришлар ҳақида сўзлаб бердик. Қардошларимиз Президентимиз раҳ-




Суратда Европа ва Осиё мамлакатлари металл санoати касабга уюшмаси Федерациясининг Тошкентда бўлиб ўтган олтинчи мажлиси акс этган.

ТАДБИРКОРЛАР СЕМИНАРИДА

Жиззах вилояти товар ишлаб чиқарувчилар тадбиркорлар Палатаси томонидан «Чет эл сармоялари», «Ўзбекистонда молия-кредит корхоналари», «Чет эл сармояларини қаердан ва қандай олиш мумкин», «Чет эл сармоялари лойиҳаси структураси» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Сўзга чиқувчилар тингловчиларнинг кўпала саволларига атофлича жавоб бердилар. О.САИДОВ.



Ўла эди, кесилган ўла,
Яшнаб турар, ажаб, гул ўла.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ сурат лавҳаси.

Саришта- саранжомлик ҳақида гап кетса, кўз ўнги-мизда аёл сиймоси гавдаланади. Хонадонда баҳри-дингизни очадиган даражадаги тозалик, жиҳозларнинг дид билан жойлаштирилиши аёл дид- фаросатининг юксаклигидан далолат беради. Уша оиладаги тинчлик, осойишталикнинг муаллифи ҳам аёлдир. Уларнинг босган изларидан гул униб, нигоҳларидан покизалик палак ёзади.

Халқимизда: «Уйда тинчи йўқнинг кўчада фароғати бўлмайди», деган гап бор. Уйдаги тартиб- интизом кишига малҳамдек таъсир қилиб, асаб торларини юмшатиб, фаолиятни оширади, бунинг соғлиққа ҳам фойдаси каттадир. Аёл шу оила деб яшайди, ана шу хонадон деб нафас олади. Аёлни уй- фикри фақат оиласида бўлади. Унинг бутунлиги ҳамда мустақамлиги учун курашади, югуради, елади.

Тан олиш керак: оиладаги «бирни икки» қиладиган ҳам аёл. Донишмандлар: «Аёл чакани сўм қилса, эркак сўми чақага айлантиради», - дейишади. Улардаги табиий тежамкорлик, туфайли уйга тўкин- сочинлик ҳамда кут барака келади. Рўзгордаги кемтиклар бекилади, нуқсонларга, камчиликларга барҳам бери-

Улар юртимиз фахри ЎЗАЛЛИК ИЖОДКОРИ

лади. Яна: «Аёллар арпа ундан ош қилади, қўйиб берсанг, эркаклар бугдой урни тош қилади», деган гаплар ҳам бор.

Шу ўринда бир дўстимдан эшитган воқеани гапириб берай: Маҳалламиздаги эркаклардан бири «кўча хандону уй зиндон» дарадига чалиниб қолди. Натيجида рўзгордан барака уча бошлади. Ана шунда уй соҳибаси ақл ишлатиб курси, эри нафақат бугдой урни, балки бутун хонадонни «тош қилишга» тайёр бўлиб қолибди. Хўжайинининг қўлига пул тушса — бўлди, қаёқларгадир кетиб қоларкан. У «...гап таъсир» қилмайдиган кишига айланбди. Уртоқларининг айтишларича, ўша эр, «агар бир шиша пивони машинага боғлаб судратиб қўйса, орқасидан Самарқандгача югуриб боришдан ҳам эринмас» эмиш.

Аёл эрини инсофли бўлишга ундаган чоғда, хотинига «Ўзимни ўлдириб сенлардан қутиланманми?» деб дағда-

га қиладиган одат чиқарибди. Унинг ваҳоҳатидан кўрқиб кетган уй соҳибаси ўзини дарҳол қўлга олади-да, эрининг иш жойига бориб маошини ўзи оладиган бўлади. Аёлни тадбиркорлиги туфайли оила бутлиги сақлаб қолинди. Фарзандлар ота-она бағрида катта бўлишарди.

Кўча-кўйда «кўғирчоқдек» ясангириб қўйилган ўғил-қизларга кўзим тушса, беихтиёр аёллар - оналарнинг меҳнати кўз ўнгимда гавдаланаверади. Аёлларнинг саришталиги таҳсинлар айтиб қўяман, мамнулик ҳисси бутун жисминни чулғаб олади.

«Бежиз эмаски, - дегандилар йўлбошчимиз Ислон Каримов, - шарқда аёлни фариштага қиёс қилишади. Чунки, фаришталар Аллоҳ Таоло яратган энг пок, энг беғуноҳ зотлардир». Зеро, ҳамма жабҳада аёллар илғор. Фидойи, қўйинчак аёллар ҳаммаша ҳам азиз ва муътабардир. Аёлларимизнинг қалби уммон, бағри бепоён. Ақли расо, бутун гўзалликларнинг ижодкори — Аёл яшасин, бахтимизга доим соғ-саломат бўлсин!

Мусокул УСМОНОВ,
профессор

Диққат, танлов!

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

Дунёда шундай кўрғон борки, уни камоли хурмат ила оила дея алқайдилар. Ана шу кўрғоннинг подшохи эр бўлса, вазири хотиндир. Ўз эрининг виждонига, қадрига айланган аёл вазири бўлган кўрғондагина ҳаёт тинч-осуда кечади, турмуш машаққатлари асло зиён-заҳмат етказолмайди.

Инсон манфаатлари йилидан сўнг Оила ва Аёллар йилларининг эълон қилиниши ҳам бежиз эмас, яъни улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

охир оқибатда истиқлолга эришган мамлакатимизда барпо этилаётган янги, агар таъбир жоиз бўлса, одамлар томон юз тутган жамиятнинг мазмун - моҳиятини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, ислохотлар-ислохот учун эмас, инсон учун хизмат қилиши керак, деган таъриф ўзининг амалий ифодасини топади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари таҳририяти 1999 йил учун

«Аёл ва жамият» мавзусида энг яхши мақолалар, лавҳалар, очерклар ва фоторепортажлар танловини эълон қилади.

Ғолибларни қуйдаги мукофотлар кутади:

Биринчи мукофот - 50 минг сўм
Иккинчи мукофот - 30 минг сўм
Учинчи мукофот - 20 минг сўм

Мукофотлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қуни арафасида топширилади.

СЕВГИЛИМ

(Кўшиқ)

*Юрагимда баҳор янглиғ гуллади туйғу,
Кўзларимдан қиш қоридек эриди қайғу,
Мудроқ кўнган киприклардан чекинди уйқу,
Сени таниб, ўзин топти девона дилим,
Наврўз бўлиб ҳаётимга кириб келдинг сен,
Гулим менинг, жоним менинг, менинг севгилим.*

*Борлиққа жон бахш айлади уйғониш фасли,
Умид билан яшаш экан тириклик асли,
Учраштирди бир тасодиф — соҳир нафасли,
Уша чокдан боқий ҳисга мубтало бўлдим,
Наврўз бўлиб ҳаётимга кириб келдинг сен,
Гулим менинг, жоним менинг, менинг севгилим.*

*Қани энди қанот бўлсам тилаккинангга,
Кўрғон бўлсам, осмон бўлсам истаккинангга,
Ва абадий қолиб кетсам юраккинангга,
Армонлардан фориг бўлиб ўтарми умрим,
Наврўз бўлиб ҳаётимга кириб келдинг сен,
Гулим менинг, жоним менинг, менинг севгилим.*

Ҳаким МУҲАММАД

«Хар тўғрида»

«ОТ КУЧИ» НИМА?

XVIII асрнинг охирида Англиядаги заводлардан бирининг эгаси машҳур механик Жемс Уаттдан буг машинаси сотиб олишга қарор берди.

Заводчи бой отлари орасида энг зўрини танлаб, уни бор қучи билан насос ёрдамида сув чиқаришга мажбур қилди. Уатт отнинг шундаги қувватини 70 килограмметр-секунд деб баҳолайди. «Механик от» жонли отдан қолишмасин деб, у 75 килограмметр-секунд қувватга эга бўлган машина ясаб беради.

— Қаранг, менинг машинам отдан ҳам бақувват, - дейди механик.

Шундай қилиб, «от кучи» деган ном ҳам, 75 сони ҳам техникадан жой илди ва ҳозирда ҳам ишлатиб келинмоқда.

Бироқ «от кучи» ибораси жуда ҳам тўғри келмас. Гап шундаки, «от кучи» аслида куч ўлчови эмас, балки қувват ўлчовидир. Бундан ташқари, от қуввати 50 килограмметр-секунддан ошмайди.

МАНГУЛИК РАМЗИ

Ям-яшил, хушбўй хид таратувчи арча қадимдан мангулик, мардлик ва жасорат рамзи ҳисобланади.

Қадимги германлар бу дарахта барча ўсимликлар, ҳайвонот ва паррандаларни кўриқловчи ўрмон руҳи яшайди, деб ишонишган. Лашкарлар жангга кириш олдида арча ёнида мажлис қуришган. Кейинчалик бу одат голландлар ва инглизларга ҳам ўтган.

Россияда арча ясагини Пётр бир махсус буйруқ билан жорий қилган. У 1700 йил биринчи январ қуни ҳамма уйларида арча ясагини фармон берган.

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари қасаба уюшмасининг Марказий Қўмитаси Намангандаги «Ўзэлектротерм» ҳиссадорлик жамияти қасаба уюшмаси Қўмитасининг раиси Мусахон Мусалиевга падари бузруквори

Мусалимхўжа
Хўжахоновнинг
вафоти муносабати билан уларнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари қасаба уюшмаси Марказий қўмитаси жамоаси қўмитанинг бош техник назоратчиси Собир Тулағановга синглиси

Муҳаббатхон
Абдуллаевнинг
бевақт вафот этганиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари қасаба уюшмаси Марказий қўмитаси жамоаси қўмита ташкилий бўлим муdiri Нигматилла Қаюмовга падари бузруквори

Ғани отанинг
вафот этганиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши жамоаси ҲАКУ-ФҚнинг етакчи мутахассиси Наима Жаббороввага акаси


Анвархон
АСКАРОВнинг
вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«Равшан»

ҳиссадорлик жамияти жамоаси мамлакатимиз меҳнаткашларини, шу жумладан ҳайдовчиларни яқинлашиб келаётган муборак Қурбон ҳайит байрами билан чин дилдан қутлайди!

Жондан азиз Ватанимиз — мустақил Ўзбекистон чўлаб яшнайверсин. Яратганини ўзи бизларни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрасин!

Ҳаётини ҳамиша файзли, фаровон, йўлини равон бўлсин, азиз юрtdошлар!



ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ
ИШОНЧ
МАХСИС



Бош муҳаррир:
Мирғиёс ҚАЮМОВ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ
21 МАРТДАН ЧИКА БОШЛАГАН



Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўрибосари-56-52-89
Масъуд котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:

Қасаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79.
Ахборот ва спорт-56-87-63. Матбуот ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01. Намангонда - 6-22-10. Самарқандда - 35-64-24.
Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида - 5-19-11.
Қумўртонда - 54-3-58.



Сотувда эркин нархда.
Маъмурий: 700165, Тошкент
шаҳри, «Бухоро»
кўчаси, 24-уй.
Нашр курсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Ҳўсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ»
нашриёт-матбаа
концерни
босмахонаси.
Қорхона манзили:
«Буюк Турон»
кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширишда 22.00